

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ПОВЕСТИ

Қонуничилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 14 (3438)

2002 йил 4 апрель, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ва “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилинсин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар

билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ. Фуломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Бош муҳаррир минбари

МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

Бугун Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини бошлайди.

Олий Мажлис Кенгаши бундан бир ой олдин ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Унга кўра парламентчиларнинг навбатдаги анжуманида мамлакатимиз ва аҳоли ҳаётида оламшумул аҳамият касб этувчи қатор масалалар кўриб чиқилиши белгиланганди.

Навбатдаги сессия кун тартибига олдиндан киритилган масалалар билан танишиб чиққан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти нашрларининг муштарийлари дастлабки уч масалага алоҳида эътибор берган бўлишлари керак. Улар 27 январь кuni ўтказилган референдум билан боғлиқдир. Маълумки, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда ўзбекистонликлар янги чақириқда икки палатали парламентни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколати муддатини беш йилдан етти йилга узайтириш ҳақидаги масалаларга ўз муносабатларини билдирдилар.

Олдиндан белгиланган кун тартибидан кўриниб турибдики, бугун депутатларимиз референдум яқунлари, референдум қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишлари кутилмоқда. Барча ҳужжатларнинг лойиҳалари референдумдан кейинги вақт ичида тайёрланган эди.

Анъанага кўра сессияда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси муҳокама қилинади. Дарвоқе, давлати миз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида таъкидлаганидек, ўтган йил иқтисодий-иқтисодимизда, бутун жамиятимизда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг манتيқий давоми бўлди.

“Постда” ва “На посту” газеталари муштарийларини парламенти миз сессияда кўриб чиқиладиган бошқа масалалар ҳақидаги қисқача маълумотлар ҳам қизиқтиради, деб ўйлайман. Булар асосан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тақдим этилган қонунларнинг лойиҳаларидир.

Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини лойиҳаси ҳам бор. Унда давлат, жамият, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик борасидаги манфаатлари, шаҳарсозлик фаолияти объектлари ва субъектларининг ҳуқуқий муносабатлари аниқ-равшан белгилаб кўйилган. Лойиҳада тегишли ҳужжатларга кўйиладиган талаблар, ҳудуддан фойдаланиш, шаҳарсозлик кадастрини киритишнинг тартиби, архитектура ва қурилиш соҳасидаги интизом бузилишларига масъулият, шаҳарсозлик фаолиятини молиялаштириш тартиби белгилаб кўйилган.

Шунингдек, “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш режалаштирилган. Мазкур ҳужжат кредит уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш жиҳатлари, жисмоний ва юридик шахслар иштироки, шунингдек, улар фаолиятини бошқарув бўйича Марказий банк ваколатларини белгилаб беради.

Депутатлар келгусида мамлакатимизда халқаро меъёр ва стандартлар асосида суғурта бозорини ривожлантириш учун етарли шароитлар яратишга йўналтирилган иккинчи ўқишдаги “Суғурта” фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқадилар.

Сессияда “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилиниши муштарийларимизда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Ушбу ҳужжат лойиҳаси фуқаролар томонидан тижорат банкларига кўйилган омонатларни, банк қайта ташкил этилишидан ташқари ҳолатларда, ундан лицензия қайтариб олинса аҳолига депозитлар бўйича тўловларни қоплаш орқали омонатларни кафолатлаш тизимини яратиш кўзда тутилган. Шу мақсадда банклардаги тижорат банкларидан чораклар ўртасида мажбурий чегириб қолинган маблағ ҳисобидан фуқароларнинг кафолатланган омонатлар жамғармаси вужудга келтирилади.


Қонун лойиҳасида жисмоний шахсларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун кўйилган омонатлардан ташқари, яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва шахсларнинг банклар билан боғлиқ омонатлари кафолатланиши айтиб ўтилган. Мабодо, Марказий банк томонидан тижорат банкининг лицензияси қайтариб олинса, жамғарма фуқароларнинг омонатини қайтариши ва бу ҳуқуқат томонидан тақдим этиш мажбурияти кўринишида, зарурат туғилса, қайтариш шарти билан жамғармага фойсиз қарз бериши орқали кафолатланиши айтиб ўтилган.

Бугун иш бошлайдиган сессияда “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилиши режалаштирилган. Мазкур ҳужжат чикиндилар билан боғлиқ соҳада бошқаруving умумдавлат тизимини яратиш, уларни қайта ишлаш бўйича замонавий техник ва технологик ишланмаларни жорий этиш заруратидан келиб чиқиб қабул қилинган.

Олий Мажлис депутатлари шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси, Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисидаги масала, қонун чиқарувчи олий орган ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилишади.

Шундай қилиб, бугун парламентнинг саккизинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Унда қабул қилинган қарорлар ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган ўзгаришларга сўзсиз муносиб улуш кўшади.

БОЛАЖОНЛАР ШОД БЎЛИШДИ



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйида баҳор байрами тантаналари бўлиб ўтди

2-бет

ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги **З. Алматов олиб борди.**

Мажлис иштирокчилари дастлаб 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида Ички ишлар вазирлиги, унинг идоралари ва тизимларида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини муҳокама қилишди. Жойларда ислохот жараёни қандай кечаётгани, хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси, Пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармалари томонидан "Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун хизмат қилиши керак" мавзусида тайёрланган кўргазмали плакатлар тўплами намойиш этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 25 октябрда "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомнинг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарор қабул қилинган эди. Ҳайъат йиғилишида кўрилган навбатдаги масала ана шу Қарор қандай ижро этилаётганига бағишланди. Шунингдек, Ҳайъат мажлисида, республика ички ишлар идораларида Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий назорат тўғрисида"ги Қонунининг ижросини таъминлаш бўйича жойларда олиб борилган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Пойтахтимизнинг Собир Рахимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйида баҳор байрами тантаналари бўлиб ўтди.

БОЛАЖОНЛАР ШОД БЎЛИШДИ

Наврўз байрамини болажонлар билан нишонлаш учун Республика ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ташриф буюрдилар. Бу ерда савоб ишни амалга ошириш учун тўкин

дастурхон ёзилди. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларни бошқармалар раҳбарлари, ёнгин хавфсизлиги хизмати фахрийлари муборак айём билан табрикладилар. Шу кун хатна тўйи бўлаётган болажонларга совғалар берилиб, омонат

дафтарчалари топширилди. Санъаткорлар байрам тантанасида дилрабо куй ва кўшиқлар ижро этишди.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА.

Суратда: меҳрибонлик уйида ўтказилган байрам тантаналаридан лавҳа.



ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Ҳадемай мактабларда ўқиш тугаб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқадилар. Болажонларнинг таътили кўнглили ўтиши учун ҳозирданок пухта ҳозирлик кўриш лозим. Шу муносабат билан ўтган ҳафтада Бўстонлик тумани Оқтош қишлоғидаги "Семурғ" болалар соғломлаштириш оромгоҳида мутасадди раҳбарлар учун ўқув семинари ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция пол-

ковниги А. Аъзамхўжаев "Болалар ва ўсмирларнинг ёзги таътил даврида мароқли дам олишларини ташкиллаштириш ҳақида", ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси бош мутахассиси, ички хизмат подполковниги Х. Орипов "Оромгоҳларнинг ёнгинга қарши ҳолати ва уларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳақида", ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги А. Сулаймонхўжаев "Болаларни ёзги оромгоҳларга автотранспортларда

оммавий олиб боришда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва оромгоҳларда йўл ҳаракати қондаларига амал қилиш ҳақида", ИИВ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси катта инспектори, милиция подполковниги И. Толбобоев "Оромгоҳлардаги ўсмирлар ва болалар орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг вазифалари тўғрисида" маъруза қилдилар.

Тадбир чоғида оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш юзасидан режа ва тадбирлар белгилаб олинди.

О. ЧОРИЕВ,
милиция майори.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида

2002 йил 1 апрель кун республика ИИВ Академиясида ушбу олий таълим муассасаси ходимлари ва тингловчиларига Ўзбекистон Хукумати ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов топширди. У ўзининг табрик сўзида жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида ИИВ Академияси тингловчилари ва ходимлари Осиё, Жаҳон чемпионатларида, Осиё, Европа ва Жаҳон кубоги учун баҳсларда 180 дан зиёд медални қўлга киритишди. Академияда жаҳон миқёсида ягона Ўзбекистон аёллар самбо Федерацияси фаолият кўрсатади. Унга Академия бошлиғи, милиция генерал-майори У. Тожихонов раҳбарлик қилади. Федерация ва Академия раҳбарияти ташаббусига кўра ҳар йили мазкур таълим муассасасида қизлар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилиб турилади. 2001 йилда эса илк бор аёллар самбоси бўйича Бутунжаҳон фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль дастури доирасида қизлар, аёллар ўрта-

сида Осиё чемпионати, жамоалар бўйича Осиё Кубоги, аёллар самбоси юлдузлари ўртасида Жаҳон чемпионати ва "Евро-Осиё" Суперкубоги мусобақалари ўтказилди. Уларда юртимиз вакиллари 29 медални қўлга киритишди. Шундан 8 таси олтин медалдир. Ўзбекистон терма жамоаси қизлар ва ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни, Осиё Кубоги баҳсларида эса учинчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, комплекс синов бўйича ҳам вакилларимизга биринчи ўрин насиб этди. Аёллар самбоси юлдузлари ўртасида Жаҳон чемпионатида Дилоромхон Қамбаров, Луиза Кибизова ва Марина Қодирова кумуш медал соҳиби бўлишди.

Академия тингловчиларидан Шерзод Ибрагимов ва Ринат Кутуев каратэ бўйича Жаҳон чемпионати голиблари, Моисей Ногай, Алевтина Ким ва Леонид Ли таэквондо бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионлари,

Европа Кубоги соҳиблари, Ботир Усмонов оғир атлетика бўйича уч карра Осиё чемпиони ва рекордсмени ҳисобланадилар. Бу рўйхат-

нинг энг яхши спортчиси" деб самбо бўйича кўп бора Осиё ва Жаҳон чемпиони, кураш бўйича жаҳоннинг биринчи чемпиони, Академия ўқитувчиси, милиция капитани Ақобир Курбонов топилди. Биринчи курс тингловчилари М. Қодирова ва Б. Усмоновларга "Йилнинг



ни яна узоқ давом эттириш мумкин.

"Ўзбекистон спорти ривожига кўшган катта ҳисоси учун" номинацияси бўйича мукофотлар Ўзбекистон аёллар самбоси Федерацияси президенти У.Тожихоновга ва вице-президенти Ж. Камолхўжаевга берилди.

"Йилнинг энг яхши мураббийси" номинацияси бўйича бош соврин ички хизмат капитани Ф. Пўлатовга топширилди. "Йил-

нинг энг яхши ёш спортчиси" унвони насиб этди.

"Йилнинг энг яхши фахрий спортчиси" номинацияси бўйича бош мукофот 2001 йилда Францияда фахрийлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионати голиби, Академиянинг кафедра бошлиғи, милиция майори Фазлидин Пўлатовга берилди.

Самбо спортини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун У. Тожихоновга ва Ж. Камолхўжаевга шунингдек, "Самбо бўйича спорт устаси" унвони ҳам берилди. Кафедра бошлиғи Ф. Пўлатовга эса "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий", учинчи курс тингловчиси Л. Латиповга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи", биринчи курс тингловчиси Б. Усмоновга "Ўзбекистон ифтихори" кўкрак нишони берилди.

У. МАҲМУДОВ,
ички хизмат подполковниги.
Суратларда: тантанадан лавҳалар.



ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган хуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жазони инсонийлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олимлари "Очиқ жамият" институти – Ўзбекистонга конституциявий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш институти, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти гранти бўйича "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига озодликдан маҳрум этишга муқобил чоралар" деб номланган лойиҳа устида ишлашаётганини таъкидлаш жоиз.

29–30 март кунлари билим даргоҳида ана шу мавзуда халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони, Олий Мажлис, Адлия вазирлиги, республика Прокуратураси, Олий суд, Адвокатура, Ўзбекистон олий ўқув юртлири ва Фанлар академияси, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, МДХ, Европа ва Осиё мамлакатларидан олимлар иштирок этишди.

Тадбирда юридик фанлари докторлари, профессорлар Ю. Пўлатов, Х. Одилқориев, З. Зарипов, юридик фанлари номзодлари, доцентлар А. Шомансуров, И. Исмоилов ва бошқалар кун тартибидagi масала бўйича маъруза қилдилар. Шунингдек, Россия, Молдова, Польша, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган олимлар бу борадаги мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Анжуман иштирокчилари жазони инсонийлаштириш, озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил санкцияларни қўллаш, уларни татбиқ этишга мўлжалланган жиноят-ижроия тизимини шакллантириш, жиноятлар одил судлови тизимига янги жазо чораларини самарали жорий қилиш мақсадида ажратилиши керак бўлган ҳуқуқий институтларни шакллантириш билан боғлиқ саволларни ўртага ташлаб, уларга жавоб излашди. Пленар йиғилишлар ва ишчи сессияларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган, ҳозирда амал қилинаётган жазо чораларини қўллаш ва бундай қишлоқнинг кўшимча турларини киритиш тизимини яратиш ҳамда такомиллаштиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ж. ТУРСУНОВ,
милиция полковниги.


ЭКОЛОГИЯ ВА ҲУҚУҚ

ИИВ Академиясида экологик ҳуқуқ масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда юристлар, ҳуқуқшунос олимлар, Академиянинг профессор-ўқитувчилари қатнашди. Биринчи курс тингловчилари ҳам бу нуфузли тадбирда экология соҳасида қонунчилик, табиатни муҳофаза қилиш борасида халқаро ҳамкорлик бўйича долзарб масалалар юзасидан ўз фикрларини билдириш, асослаш имкониятига эга бўлдилар.

Тингловчи Т. Умаров ва бошқаларнинг маърузалари ҳуқуқнинг турли соҳаларига дахлдор мавзуларда, жумладан, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик хусусида бўлди.

И. ЗОКИРОВА.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан мамлакатимизда баҳорнинг дастлабки ойи давомида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Ташкилий ишларга алоҳида эътибор берилиб, ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш учун ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан вакиллар жалб этилди. Тадбир самарали ўтиб, кўзланган натижаларга эришилди. Ташвиқот, тарғибот ишлари жойларда ҳар қачонгидан кўра уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоятлар, бир қатор шаҳарларда тарғибот автобуси ташкил эти-

либ, маҳалла, мактаб, корхона ва муассасаларда, аҳоли гавжум жойларда, гузарларда ҳаракат хавфсизлиги қондалари юзасидан суҳбатлар ўтказилди, мутахассис ходимлар билан жонли мулоқотлар уюштирилди. Бу саъй-ҳаракатлар ижобий натижа берди. Қатор вилоятларда йўл-транспорт ҳодисалари, автоҳалокатларда ҳалок бўлган, жароҳат олган фуқаролар сони ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада камайди. Айниқса, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга эришилди. Куйида ойлик давомида жойларда амалга оширилган ишлар билан танишасиз.

ТАРҒИБОТНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Хоразм вилояти ИИБ йХХБ ходимлари ойликни самарали ўтказиш, йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш учун Корхоналар, автоҳўжаликлар, ўқув муассасалари, кишлоқ ва маҳаллаларда фаол иш олиб боришди.



бу хайрли тадбирга бағишланган учрашувлар, савол-жавоб кечалари, турли мусобақалар бўлиб ўтди. Яқинда тарғибот автобуси вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб, яна Урганч шаҳрига қайтди.

— Тарғибот гуруҳининг биринчи сафари ниҳоясига етди, — дейди гуруҳ раҳбари, милиция майори Муҳиддин Наврўзалиев. — Амалга оширилиши лозим бўлган барча ишларни деярли уйдаладик. Шунингдек, учрашувларда янги сотиб олинган автомашиналарни расмийлаштириш, техника кўриги ҳамда йўл таъминоти билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ҳ. ЖАББОРОВ.

НАЗОРАТНИ СУСАЙТИРМАЙМИЗ

Тан олиш керак, ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида жойларда тарғибот, ташвиқот ишлари кучайди. Шунга қарамай айрим ҳайдовчилар турли хил қоидабузарликларга йўл қўйдилар.

Носоз техника воситаларини бошқариш, спиртли ичимликлар ичган ҳолда рулга ўтириш, тезликни ошириш ҳолатлари автоҳалокатлар келиб чиқишига сабабчи бўлди.

Тадбир бошлангандан бери Ғаллаорол туманида 600 дан ортиқ ҳолатлар аниқланди. Шундан 200 га яқини қўпол турдаги ҳолатлар, 20 таси транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, 120 таси тезликни ошириш ва бошқалардир. Пиёдалар томонидан содир этилган қоидабузарликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайган бўлса-да, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик, кўчанинг дуч келган жойидан кесиб ўтиш, йўлқалар қолиб, транспорт қатнайдиган катта йўлда юриш қабилилар тез-тез учради.

Қоидабузар ҳайдовчилар, пиёдалар меҳнат жамоалари, маҳаллалар ҳамда ўқув муассасаларида муҳокама этилиб, тегишли чоралар кўриляпти. Ўтган давр мобайнида ана шундай шахсларга 500 минг сўмдан ортиқ жарима солиниб, ундирилди.

Ходимларимиз билан бирга жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларнинг вакиллари ҳам йўлларни назорат қилишда фаол иштирок этишди.

М. ШЕРҚУЛОВ,
милиция подполковниги.

ҲУШЁРЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

— Ойликни уюшқоқлик билан ўтказиш учун аниқ чора ва тадбирлар ишлаб чиқилгани ўз самарасини берди, — дейди Қорақалпоғистон республикаси ИИБ йХХБ бошлиғи, милиция подполковниги И. Данегулов. — Ходимларимиз автоҳўжаликлар, маҳалла ва халқ таълими масканларида ҳаракатланиш қоидалари бўйича тарғибот ишларини юритиш билан бир қаторда йўллардаги ҳаракат тартибини ҳам назорат қилишди.

Дарҳақиқат, йПХ ходимларининг ҳушёрлиги ва фидойилиги нафақат ҳаракатланиш, балки жиноятчилик, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни очишда ҳам қўл келмоқда.

Масалан, Беруний туманида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Р. Азаматнинг уйи тинтув қилинганда йПХ кинолоғи, милиция сержанти Қуанишбой Томашев унинг “Бим” лақабли хизмат итининг ёрдами беқийс бўлди. Улар ёрдамида жуда устомонлик билан яшириб қўйилган 116 гр. героин топилди.

Хўжайли шаҳри К. Авезов номли кўчада яшовчи Ҳамидулла Зийуаров ўз миннатдорчилигини куйидагича изҳор этди.

— Нуқусга келиб, ишларимни битириб чиқсам, машинам жойида йўқ. Зудлик билан милицияга мурожаат қилдим. Тўғриси, топилганига ўзим ҳам шубҳа билан қарагандим. Қорақалпоғистон республикаси

ИИБ йХХБ қидирув хизмати бўлими инспектори, милиция капитани Ж. Усанов шубҳаларим ўринсиз



Суратда: ИИБ йХХБ йПХ инспекторлари, милиция катта лейтенанти Омон Қодиров ва милиция старшинаси Каримбой Темирхоновлар хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

эканлигини ўз фидойилиги билан исботлади. У кишининг саъй-ҳаракати билан “ВАЗ — 2106” русумли машинам яна ўзимга қайтарилди. Бунинг учун катта раҳмат.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкин, ҳукуватимиз томонидан халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида чора-тадбирлар кўриляётгани айтиш мумкин, бу борада ҳушёрлик ҳамини ҳаёт зарурати бўлиб қолаверади.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

ЯХШИЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Йўлда нималар бўлмайди, дейсиз. Ҳар қандай воқеа ёки инсонга дуч келишингиз мумкин. Баъзи бирлари арзимаган гап билан дилингизни хуфтон қилади, яна баъзи бирлари икки оғиз ширин сўз орқали кўнглингизни тоғдек кўтарди, яхшиликлар қилади. Шу кўтаринкилик кун давомида ўз кучини йўқотмайди. Инсоннинг кўнгли қанчалар нозик-а?!


Бир кун қизим билан қариндошимизникига меҳмонга отландик. Манзилга иккита транспортда боришимиз керак эди. Бирдан тушиб, иккинчисининг бекати томон кетаётганимиз қарасам, автобус тўхтаб турган экан. Югурсақ етармиз деб, ҳаракат қилдик, етолмадик. Ўша ерда транспорт қатнови кўнглидагидек эмасди. Туриб-туриб йўловчи машиналарни тўхта-та бошладик. Қани биронтаси тўхтади. Аксига олиб кечга қолиб кетдик. Бу ҳолни сал нарида турган йўл ҳаракати хавфсизлиги посбонлари кузатиб туришган экан шекилли, улардан бири ёнимга келиб, қаёққа боришимизни сўради. Мен манзилни айтгандим, милиция ходими:

— Кўнглингизда ёш болангиз бор экан келиноий, сизга ёрдам бераман, — дея бир йўловчи машинани тўхтади, ундан бизни олиб кетишни илтимос қилди. Унга миннатдорчилик билдирган ҳолда машинага ўтирдим. Манзилга етиб олгач, ҳайдовчига йўл ҳақи берсам, олмади. Жуда диёнатли инсон экан.

Қариндошимизникига кириб бораётганимизда кўтаринки кайфиятда эдим. Бунга сабаб посбонимизнинг ёрдам қўлини чўзганлиги, ҳайдовчининг хушмуомалалиги эди. Шундай посбонларимиз узоқ умр кўришсин. Ҳайдовчиларнинг ҳам йўллари беҳатар бўлсин, дейман.

Л. САЪДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри.

Ховлининг бир четида униб чиққан ўсимликни кўрган аёл сесканиб кетди. Чунки қандай ўсимлик эканини яхши биларди. Эри Солижон эса уни асраб-авайлади, "ёмон кўзлардан" асради.



Куз келди. Солижон дуркун ўсган беш туп ўсимликни аста олиб, қоғозга ўради. Ана энди сотиш керак. Наманганда уни кўпчилик танийди.

Шунинг учун харидор излаб Андижонга келди.

— Бир дақиқага мумкинми? — қаршисидан келадиган йигитга юзланди у.
— Тинчликми, ака?

ҲОВЛИ ЭТАГИДАГИ ОҒУ

— Озгина "мол" бор эди. Олмайсизми? Қиммат сўрамайман.

Йигит ҳайрон бўлиб сўради:

— Қанақа "мол"?

— Мана кўринг, — Солижон қоғознинг бир четини қайириб, унга кўрсатди. — Ўзим етиштирганман. Тозасидан.

— Нашами бунингиз?

— Кўкнор, сифатига жавоб бераман.

Йигит Солижонни бир четга бошлади. "Мол"ни обдон текширгач:

— Бундан яна борми, ака? — деди.

— Бор. Уч юз граммча чиқади. Керак бўлса уйга бориб, дарров олиб келаман. Норинда яшайман. Уйим узокдамас.

Йигит ўйланиб қолди.

— Хўш, оласизми?

— Оламан. Қанча сўра-япсиз ўзи?

— Юз минг сўм.

— Яхши. Демак, мари-хуана бизники.

— Пули-чи? — зорланди Солижон.

— Э, ҳа, пулими? Юринг, уйдан олиб бераман.

Йигит Солижонни тўппа-тўғри милиция идорасига олиб борди.

Шундай қилиб, Наманган вилояти Норин туманида яшовчи, илгари икки марта судланган Б. Солижоннинг ноқонуний хатти-ҳаракатига ўз вақтида чек қўйилди. Унинг ёнидан 1535 грамм, уйдан яна 366 грамм оғу олинди, йўқ қилинди.

С. ХУСАНЗОДА.

ЎЗ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Фориш тумани Банд шаҳарчасида 15 ёшли Ҳаёт Ортиқовнинг таъзиясига келган кишилар "эх, аттанг бир парча алюмин сим, деб ёшгина йигит нобуд бўлди-я", дея афсус қилишди. Ота-она ўғилнинг доғида адоий тамом бўлди. Не қилсин шўрликлар. Ҳаёт эрта билан уйдан соғ-омон чиқиб кетиб, қайтиб келмади. Уни электр симёғоч тагида ўлган ҳолда топилди. Воқеа жойи кўздан кечирилганда омбур, калитлар топилди, Ҳаёт электр симини кесиб олмакчи бўлганида ток урганлиги аниқланди.

Сўнгги пайтларда бундай фожиали воқеалар учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки мис, алюмин талвасасига учраган кишилар ўзини ўтга ҳам, чўғга ҳам урмоқда.

Бир неча кундан сўнг вилоят ИИБ навбатчилик қисмига яна бир кўнгилсиз хабар келиб тушди. Галлаорол тумани Кўрғон қишлоғида яшовчи Маҳмуд Ҳожимуродов ҳам фожиали ҳалок бўлган эди.

— Кечқурун соат 21.00 ларда ташқарига чиққан эдим, — дейди воқеанинг гувоҳи бўлган Зоир Мўминов. — Уйимдан 50 метрлар узокликда юқори кучли электр токи ўтган бетон симёғочдан кучли учкун чақнаганлигини кўрдим, нимадир гупиллаб ерга тушганлигини эшитдим. У ерга борсам бир одам ерда чалқанча ётган экан. Қимирламади, милицияга хабар беришга мажбур бўлдим.

М. Ҳоджумуродовни ток урганди. У икки бетон устун оралиғидаги симнинг бир учини кесиб, иккинчисига киришганда токдан бутун вужуди жазғанаб бўлиши натижасида вафот этганлиги аниқланди. Шу тариқа яна бир инсон, уч фарзанднинг отаси ҳаётдан кўз юмди.

Яқинда Зомин туманида уч ака-уканинг сим ўғирлаганликлари фош қилинди. Даштобод шаҳарчасида яшовчи, 1971 йилда туғилган Рустам Останакулов, укалари Илҳом ва Баҳромлар турман электр тармоқлари қорхонасига қарашли симёғочлардан 210 метр узунликдаги нархи 350 минг сўмлик симни ўғирлаб кетишган. Сим далилий ашё сифатида олинди.

Бундай кишилар ҳам жиноят қиладилар, ҳам ўз ҳаётларини хавф остига қўядилар. Ҳаёт эса инсонга бир марта берилади.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Мулоҳоза

НАҲОТКИ, БИЛИШМАСА?

Ички ишлар тизимида ўтказилаётган ислохотлар самараси кўзга ташланыпти. Профилактика инспекторлари томонидан белгиланган ҳудудларда аҳоли билан яқиндан алоқа боғланаётгани ва маҳалла побсонлари ишончли таянч бўлаётгани жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини эса тез фурсатларда очилишига имкон яратмоқда.

Андижон туманида яшовчи Қ. Абдураззоқов тунда боқувдаги новвоси йўқолгани тўғрисида ички ишлар бўлимига хабар қилди. Шу тунда навбатчилик қилган тезкор тергов гуруҳи аъзолари тонгга қадар ўғрини аниқлаб, новвосни эгасига қайтардилар.

Избосканлик Абдуллажон Бўстонов ҳам кундуз куни бир бош қўчқори йўқолганлиги ҳақида ИИБга хабар берди. Жиноят-қидирув хизмати ходимлари бир соат давомида ўғрини ушлаб, қўчқорни эгасига қайтардилар.

Аҳоли томонидан боқилаётган чорва ҳайвонлари ҳовлининг этагига, гоҳида очик майдонда сақланади. У ҳам етмаганидек, қоронғуда қаровсиз, кўчаларда боғлиқ қолдирилади. Бу эса ёш қинғир кўнгилли кимсаларга қўл келиб, уй ҳайвонлари ўғирланишига сабаб бўлмоқда. Ўғирларга қулайликлар яратиб бераётганлар бу ҳақда ўйлаб кўрадиган вақт келганини наҳотки билишмаса?

Б. АЗИМОВ.

Нуқтаи назар

Ётоқхонада ёниб кетган уй жиҳозлари орасида эркак кишининг куйган жасади ётарди. Бу 1928 йилда туғилган Пётр Андреевич Чуйков эди. Ёнғин содир бўлган жойга барча дахлдор хизмат раҳбарлари зудлик билан етиб келди. Тезда мутахассис ходимлар ҳодиса содир бўлган жой ва марҳумнинг жасадини кўриб чиқиш, ёнғиннинг сабабини аниқлаш мақсадида суриштирув ишларини бошлаб юборишди.

Марҳумнинг турмуш ўртоғи Серафима Петровна Чуйкованинг таъкидлашича, ёнғин содир бўлган вақтда уйда эри иккаласи бўлган.

Мен аёлдан ёнғин қандай келиб чиққанини сўрамоқчи бўлиб олдиға яқинлашганимда, ундан спиртли ичимлик ҳиди аниқ турарди.

— Петр Андреевич тўшақда сигарет чекиб ётган эди, мен ошхонага кириб чиқсам, эрим олов ичида қолибди, — деди у.

БИР ЁНҒИНДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

Соат 08 дан 59 дақиқа ўтганда ўт ўчириш автомобиллари чақирилган жойга етиб келди. Ёғочдан қурилган икки қаватли уйнинг иккинчи қавати 12-хонадонининг ётоқхона деразасидан аланга ловуллаб ташқарига чиқар эди. Биз ичкарига киришимиз керак бўлган йўлак ва ётоқхонани бутунлай олов қамраб олган эди. Тезкорлик билан олов қуршаб олинди ва бошқа хонадонларга тарқалиши тўхтатилиб, санокли дақиқалардан сўнг ёнғин бутунлай ўчирилди.

Кўз олдингизда ёнғин содир бўлибди, уни ўчиришнинг ёки эрингизни хавфсиз жойга олиб чиқишнинг иложи бўлмади, деган саволимга, ҳали кайфи зўр Серафима Петровна айб иш қилиб қўйган боладай ер қизиб қолди.

Мени бир нарса жуда қизиқтирарди. Нега йиллар давомида бир ёстиққа бош қўйиб, яшаб келган эри кўз олдида ёниб кетса-ю, қўл-оёғи бутун, соппа-соғ аёл ҳеч қандай чора кўрмаса. Қўни-қўшнларидан ушбу оила ҳақида фикрларини суриштирдим.

— Марҳум тўғрисида ёмон гапириш олобдан эмас, лекин буларнинг қилмишлари этдан ўтиб суякка тақалди, — деди қўшнлари бири қолиб иккинчиси. — Ёшлари бир жойга бориб қолганига қарамай эр-хотин доим маст. Кунига жанжал. Марҳум ичиб олганидан кейин турмуш ўртоғини бешафқат калтаклашга тушар эди. Буларни кўрган фарзандларимиз тарбияси нима бўлади, деб ўйлардик.

Шикоятлар тўғрилигини марҳумнинг иккинчи қизи тасдиқлагандан кей-

ин мен жумбоққа жавоб топгандай бўлдим.

Агар марҳум Петр Андреевич фарзандларига меҳрибон, аёлининг ҳурматини жойига қўйиб эъозловчи, қўшнлари билан иноқ, ёшларга насихат қилувчи, қарилик гаштини маза қилиб суриб юрган инсон бўлганида, балки, яна бир бор қайтараман, бундай мудҳиш ҳодиса рўй бермаган бўларди. Бу менинг шахсий фикрим.

Бизни таажубга солган бошқа бир масала юзасидан тўхталмоқчиман.

Бу асосан йўлдош даҳасидаги ёғочдан қурилган уйларда ёнғинлар содир бўлганда қўни-қўшнлар йиғилишиб ёнғин чиққан уй эгасини ўртага олиб ҳақоратлашадир. Чунки улар ҳар доим ошна-оғайнилари билан эрталабгача маишатбозлик қилишади, сигарет қолдиғи, телевизор, электр иситгичларни ўчирмай, маст бўлиб ухлаб қолишади, оқибат-

да ёнғин келиб чиқади, деб бизга шикоят қилдилар.

Бир савол. Бу жон қўшнлар шундай нохуш ҳолатлардан хабардор эканлар, нега энди тегишли хизмат ва ташкилотларга вақтида хабар беришмайди. Бунинг учун ёнғин ёки бошқа нохуш ҳолатлар содир бўлиши шартми? Маҳалла-қўй, ўзимизнинг бефарқлигимиз билан уларнинг бундай тарзда ҳаёт кечиришига йўл очиб берган бўлмаймизми?

Кўшнингиз шу тарзда ҳаёт кечиришидан огоҳ экансиз, маҳалла фаолларига мурожаат қилиш керак. Натижаси бўлмаса, тегишли идораларга хабар бериш зарур.

Сирғали туманидаги ёғочдан қурилган бу уйлар 12 та хонадондан иборат. Бу 12 та оила истиқомат қилади, ёнғин хавфи остида қолади дегани. Шу ҳақда бир ўйлаб кўрсак бўларди.

З. ЮСУПАЛИЕВ,
ички хизмат подполковниги.

ҚИДИРИЛМОҚДА


Марҳамат тумани ички ишлар бўлими томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганликлари учун қидирилмоқда:



Кўчқорали БҮРИБОЕВ. 1949 йилда туғилган. Марҳамат тумани Полвонтош шаҳарчаси 7-митти туман 25-уйда яшаган.



Олим Ҳуринбоевич ИСМАТОВ. 1971 йилда туғилган. Марҳамат тумани "Пахтакор" жамоа хўжалиги "Шўрқиллоқ" маҳалласида яшаган.



Абдуғаффор Мухторович ТУРДИЕВ. 1978 йилда туғилган. Марҳамат тумани Т. Мирзаев жамоа хўжалигида яшаган.



Рустам Курбоневич ФОЗИЕВ. 1963 йилда туғилган. Марҳамат тумани Полвонтош шаҳарчаси 5-митти туман 12-уйда яшаган.



Ҳамидулло Усмонович МАЛЛАБОЕВ. 1978 йилда туғилган. Марҳамат тумани Т. Мирзаев жамоа хўжалиги Рудакий кўчасида яшаб келган.



Ботир Тўйчибоевич ТОЖИБОЕВ. 1971 йилда туғилган. Марҳамат тумани "Истиқлол" ширкатлар уюшмасида яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қардалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

UCHINCHI «Посижа» gazetasining ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Тарихий обидаларимиз

Мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча жабҳаларида улугвор ўзгаришлар рўй бермоқда. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва йўл-йўриқларига кўра, қадим тарихимиз зарварақлари холисона ўрганилмоқда. Зеро, халқимизнинг ўзлиги, боқий қадриятлари, анъаналари мозий саҳифаларида олтин ҳарфлар ила нақш этилган.

Қадим Туркистон замида замонлар силсиласи ва асрлар синовидан ўтиб, бизнинг кунларимизгача етиб келган ҳамда сақланиб қолган сарой мажмуалари бир нечтадир. Улардан бири Хивадаги Тошҳовли саройи бўлса, яна бири Бухоро Арки, учинчиси

охирида бошланади. Машҳур меъмор Мир Убайдулло Муҳандис Хўқандий қурилиш ишларига саркор этиб тайинланади. Бунёдкорлик ишларида жами 80 нафар уста, 16 минг нафар киши иштирок этади. 1870 йилда сарой қурилиши поёнига этади.



ХУДОЁРХОН ЎРДАСИ

эса Худоёрхон ўрдаси ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, бу ерда хонлар томонидан бир нечта сарой барпо этилган. Худоёрхон ўрдаси — Қўқоннинг еттинчи саройидир. У дастлаб 114 хонадан иборат бўлган, шу кунгача фақат 19 тасигина сақланиб қолган.

Манбаларга кўра Худоёрхон ўрдаси ўрнида илгари Саййид Муҳаммад Умархон томонидан қурилган Зарринсарой деб номланган ўрда бўлган экан. Қўқон ва Бухоро хонлиги ўртасида борган урушда ушбу гўзал иншоот вайрон қилинган. Саййид Муҳаммад Худоёрхон ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида Жаҳоноро саройида истиқомат қилган. Мазкур сарой талабга жавоб бермай қолгани ҳамда бу ерда отаси ва акаси ўлдирилганлиги сабабли Худоёрхон у жойда истиқомат қилишни истамай, Зарринсарой ўрнида янги ўрда бунёд этиш ҳақида фармон беради. Қурилиш ишлари XIX асрнинг 50-йиллари

Ўрданинг бугунги кунда сақланиб қолган қисмларидан бири пештоқдир. У рангбаранг кошнлар билан безатилган. Кошнлар махсус хумдонларда пиширилгач, усталар томонидан гули гулига, шакли шаклига мослашиб, деворга махсус лой ёрдамида ўрнатилган. Ўрданинг савлат тўкиб турган тўрт минораси меъморчилигимизда “гулдаста” деб аталади, бурчакдагилари эса “бурж” деб номланади. Улар бионинг мустақкам ва кўркам бўлишини таъминлайди. Пештоқнинг ўнг томонида рубойи шаклида дуо, дарвозанинг юқори қисмида Куръони каримдан бир оят келтирилган. Унинг ёнида эса ушбу сўзларни ўқиш мумкин: “Арки олий Саййид Муҳаммад Худоёрхон”. (Саййид Муҳаммад Худоёрхон олий саройи). Сана 1287”.

Иморат саррофларининг учки қисмлари атайлаб кошнлар орасидан чиқарилган бўлиб, бу бино хуссини бир оз бузса-да, усталар иморатга кўз тегмасин,

дея шундай ирим қилганлар. Ушбу ёғочлар девордаги намликни ташқарига чиқариб юбориш хусусиятига эга. Шунингдек, кечки пайтлар уларга фонус ҳам осиб қўйилган.

Ўрда дарвозаси миллий ёғоч ўймакорлиги санъатининг ноёб дурдоналаридан бўлиб, унга ислимий нақшлар туширилган, форс тилида ўйиб битилган ушбу ҳикмат эса нақшлар билан шу даражада уйғунлашиб кетганки, уни дарҳол илғаб олиш қийин: “*Аз руҳи хусни карами меъмори донойи хирад,*

Гуфт дар гушам: тарабий ижоди хайрал манзалин”.

(Чиройли юзидан саховати сезилиб турган доно меъмор қулоғимга дедик: иштиёқли ижод хайрли натижа беради).

Дарвоза Ўзбекистон халқ рассоми, таниқли ўймакор уста Қодиржон Ҳайдаров ва кейинчалик у кишининг невараси Мирзаусмон Умаровлар томонидан таъмирланган.

Дарвозахона шарқ меъморчилигига хос иншоотларнинг тарки-

бий қисми бўлиб, баъзан жиловхона деб ҳам айтилади. У ўзига хос кутиш, нафас ростлаш жойи ҳисобланади.

Дарвозахонанинг усти гумбаз услубида ёпилган, ички томони эса ганч билан безатилган. Тепа томонига, гумбаз ва деворлар туташган жойларига битиклар ёзилган. Шимол томонига саройни безатишда қатнашган усталардан бирининг номи битилган. Фарб томонининг икки четига доира шаклида Куръони каримнинг “Ихлос” сураси нақш этилган. Суралар ўртасидаги лавҳа Абдурахмон Жомийнинг уч мисрали ҳикмати битилган. Дарвозахона сирчи усталар Шукурхон Маҳмудов ва Саидахмад Маҳмудовлар томонидан таъмирланган.

Бу ердан тўғрига юрилса асосий ҳовлига чиқилади. Ўнг томонда девон, чап томонда эса хоннинг қабулхонаси жойлашган. Худоёрхон бу саройда беш йил яшаган. 1876 йили Қўқон хонлиги босиб олингандан сўнг ўрда-

нинг пастки қисмлари бузиб ташланиб, ўрнига қалъа қурилади. Қолган қисми шаҳар гарнизони ихтиёрига берилади. 1920 йил бу ерда қашшоқлар кўмитаси, кўшчилар уюшмаси каби идоралар жойлашган. 1924 йилда айнан шу жойда Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаси очилади, кейинроқ шу асосда Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи ташкил этилди.

Девон — давлат бошқаруви идораси бўлиб, вазирлар, мирзолар ва бошқа мансабдорлар идора ишларини шу ерда юритганлар.

Асосий ҳовлида турли маросимлар ўтказилган. Бу жойни девон ва хазина ҳовлиларидан ажратиб турувчи деворлар ҳамда меҳмонхона кейинчалик бузиб ташланган.

Саломхонада хон элчилар, меҳмонлар, аъёнлар ва фуқароларни қабул қилган. Бундай пайтда у меҳробдаги тахтада ўтирган. Чоризм даврида бу хонада православ черкови очилган. Шу сабабли эшик ва деразаларнинг

ўрни, пол, меҳроб кўриниши ўзгарган. Кўшни хонада ҳудайчи жойлашган. Бу ерда арзғўй ва меҳмонлар хон қабулини кутганлар. Иккинчи даражали арзғўйлар билан ҳудайчи муомала қилган.

Хужраи хос хоннинг ўз хонаси деган маънони билдиради. Хон давлат ишларидан холи бўлганидан сўнг шу жойда дам олган, кичикроқ зиёфатлар, мажлисларни ўтказган.

Хужраи хосдан сўнг Шаҳнишин ва хонзодалар ҳовлисига ўтиш мумкин. Шаҳнишин — хон доимий истиқомат қиладиган ҳовли бўлиб, ундан йўлак орқали ҳарамга ўтилади. Хонзодалар ҳовлисида эса ўн икки ёшдан ўтган шаҳзодалар истиқомат қилишган.

Бутунлай бузиб юборилган бу ҳовлилар 1970—1980 йилларда Фарғона махсус илмий таъмирланиш-ишлаб чиқариш устахонаси томонидан қайта тикланган.

Ҳа, кўҳна Худоёрхон ўрдаси ўлкамиздаги кўплаб тарихий-меъморчилик обидалари қатори халқимиз ўтмиш ҳаёти ва маданиятининг жонли тимсоли бўлиб, авлодлар кўз ўнгида савлат тўкиб турибди...

А. ИСОМИДИНОВ.

Суратда: Худоёрхон ўрдасининг олд кўриниши.

Билимдонлигингизни текшириб кўринг

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЧЎРИ

Хорун ар-Рашиднинг чўрилари орасида биттасининг хусну латофатда тенг йўқ экан. Халифа чўриларга совга-салом улашган пайтларда бошқалар зўр миннатдорчилик билан қабул қилар, у эса мутлақо олмас экан. Бундан халифанинг жаҳли чиқаркан.

Бир куни у бир халта марваридни чўриларнинг олдига тўкди. Ҳамма совгага ўзини ташлади-ю, ҳалиги чўри бурилиб қарамади ҳам. Сўнг халифа хазиначидан бир халта ёқут олдириб келиб сочди. Ҳамма ўз улушини олди, у тагин бепарволигича тураверди.

— Нега бошқалар қатори ўз улушингни олмадинг? — деб сўради ундан халифа.
— Борди-ю, шу ердан ўзимга ёққан нарсани танла-сам меники бўладими? — деб сўради гўзал чўри қиз.
— Майли, сенинг айтганингча бўлсин...

Шундан сўнг чўри бир оғиз сўз айтдики, бу билан халифанинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Хўш, у ҳукмдорига нима деди?

(Ушбу саволнинг жавобини газетанинг 10-бетида ўқийсиз).




Хандалар

БЕМАЪНИ САВОЛ

— Ота, нега дўконга у ёпилгандан кейин келдик?

— Бемаъни савол бергандан кўра панжарани тезроқ араласанг бўлмайдами?..



БҮЙРУҚ

БАЖАРИЛСИН!

Машқ майдони. Отиш машқлари ўтказилапти. Ўқловчи бўлинма сардорининг олдига югуриб келиб ахборот берапти:

— Ўртоқ майор, снрядлар тугади!

— Биттаям қолмади-ми?!

— Биттаям қолгани йўқ!

— Аниқми?

— Худди шундай!

— Унда буюраман: ў очиш тўхтатилсин!



ҲАКИКИЙ ДЎСТ

Икки полициячи қуролланган, хавфли жиноятчини қўлга олиш учун босқинчилик содир бўлган жойга боришяпти. Бири иккинчисига деди:

— Сен биринчи бўлиб кирасан. Мен эса сен учун қасос оламан.

ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Икки аскар казармадан чиқишди. Улардан бири узоқдан келаётган офицерни кўриб, шеритига пичирлади:

— У билан ҳазиллашмаймизми?


— Йўқ, — кескин жавоб берди иккинчиси, — ўшанда декан билан ҳазиллашганимиз етар, эсингдами?

ИРИМЧИ

Бокс бўйича чемпион ҳал қилувчи ғалабадан сўнг журналистларнинг саволларига жавоб берапти:

— Сиз иримга ишонасизми?


— Албатта, бўлмаса омад келтирсин, деб ҳар гал беллашув олдидан қўлқопимга тақа солиб олармидим.



Шунақаси ҳам бўлади

ИЛИКЛАРИ "ТИЛЛО" ДАН

Бу воқеа аэропортда содир бўлган эди. Божхона ходимлари самолётга чиқаётган фуқароларнинг буюмларини текширишда кекса бир аёл икки литрли идишда иссиқ-қина шўрва кўтариб келди. Шўрва ичида иликли сўнгак ҳам бор эди. Постда турган ўрта ёшдаги божхона ходими кампирга салом бериб:



М. Бобораҳимов Фарғона, Қўқон шаҳарлари ва Кува тумани ички ишлар бўлимига раҳбарлик қилди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига бошчилик қилган кезлари хизматнинг имкониятларини кенгайтириб, қўриқловга олинган объектлар сонини кескин кўпайтириш учун оқилона иш юритди.

Мадаминжон отанинг икки ўғли унинг изидан боришди. Тўнғич ўғли Фуломжон Бобораҳимов милиция полковниги, вилоят ИИБ ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи Абдоржон Бобораҳимов эса Фарғона тумани ИИБ бошлиғи.

М. Бобораҳимов кўп йиллик самарали хизматлари учун муносиб тақдирланган. Айни кунларда отахон жамоат ишларида фаол иштирок этапти. Вилоят нуронийлар жамияти раисининг ўринбосари. Шу кунларда 75 баҳорни қаршилаётган табаррук инсон бутун куч-қуввати, тажриба, маҳоратини ёшлар тарбиясига бахшида этмоқда.

М. КИМСАНБОВЕВ.

Гулчеҳра иқтисодчи отасига ҳавас қилиб воёга етди. Бўш қолган пайтларда қўлига чўтти олиб, нималарнидир ҳисоблашни қанда қилмасди. Ўрта мактабни тугатгач, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтининг иқтисодиёт факультетига ўқишга кирди. Ички ишлар идораларида хизматни оддий ҳисобчиликдан бошлади.

Айни пайтда Гулчеҳра Каримова Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида бош ҳисобчи. Унинг кўп йиллик самарали хизматлари инобатга олиниб, муддатидан аввал милиция капитани унвони берилди.

Суратда: милиция капитани Гулчеҳра Каримова.



УМРБОД МИННАТДОРМАН

Киши билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолиши мумкин. Баъзан маҳкумга қилмишига яраша олган жазодан ҳам, жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг муомаласи кучлироқ тарбиявий таъсир қилиши мумкин экан. Яшириб нима қилдим, аёл бўлатуриб, жиноятга қўл урдим. Бунга, балки оилавий шароитим, балки менга берилган нотўғри тарбия сабаб бўлгандир.

Муассасада ҳар қаламда кўкрагимизга ниқтаб, “сен жиноятчисан” дейишгани йўқ. Иззат-нафсимизга тегишмади. Аксинча, бизга хушмуомалада бўлишди, ишонч кўзи билан қарашди. Керак пайтлари сирдош, дарддош бўлишди. Ҳозир озодликдаман. Лекин уларни унутганим йўқ. Улуғ айём кунлари Элла Розенберг, Марина Якунина, Римма Рустамова, Татьяна Крючкова, Светлана Сбродова каби ана шундай инсонлар ҳақида дуо қилдим. Шу дуои саломим, миннатдорчилигини газета орқали уларга етказсангизлар деб:

Ю. ЮСУПОВА.
Тошкент шаҳри.

— Ёрдам беринглар, ёрдам! — эрталаб хизматга йўл олган А. Икромов тумани ИИБ ЖТСБ муниципал бўлинмаси милиционерлари, милиция катта сержантлари Фахриддин Бўтаяров ва Добитхон Эргашевлар овоз келадиган томонга шошилдилар. Автобекат яқинида икки аёл жон-жаҳди билан ёрдам сўраб кичкирар, улардан бири биллагини маҳкам чангаллаб олган, бармоқлари орасидан кон оқарди.

— Нима гап? — баравар сўрашди милиционер йигитлар.

— Пулимизни, сумкадаги пулимизни олиб кетди! — аёллар ҳам баравар жавоб беришди.

Ўғри улардан бирининг қўлига тиг санчган эди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай Д. Эргашев билан Ф. Бўтаяров сумка кўтарган ёшгина йигитни тутиб келишди. 21 ёшга кириб, судла-

нишга ҳам улгурган Назар исмли самарқандлик бу шахс бозорга келадиган Р. ва И. нинг ичида салкам 600 минг сўм пули бўлган сумкаларини куч ишлатиш йўли билан тортиб олиб, қочиб қолмоқчи эди. Лекин чаққон милиционер йигитлар уни қувиб етиб, ушладилар.

— Фахриддин Бўтаяров ва Добитхон Эргашев бўлинмаимиздаги касб-

БУРЧИГА СОДИҚ ЙИГИТЛАР

дошларига ўртак бўлса арзийдиган зийрак, касбини улугловчи йигитлардан, — дейди бўлинма сардори Ш. Олимбеков, — Улар туманининг “Ўрикзор” мавзесида жойлашган “Карвон бозор”да жамоат тартибини сақлаш, осойишталикни таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъулдилар.

— Хизмат вазифамизни ўташ чоғида юқоридагига ўхшаш ҳолатлар ҳам учраб туради, — деди Фахриддин — Лекин бировнинг молнига кўз олайтирганлар узоққа бора олмайдилар. Уларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари назаримиз-

дан четда қолмайди. Зийрак посбонлар бозордаги юзлаб одамлар орасида онда-сонда бўлса-да, учраб турадиган хуқуқбузарларни беҳато таниб олишди.

Фахриддиннинг сўзларига исбот тариқасида эътиборингизга бир воқеани ҳавола этсак.

... — Оғайни, эшик-ромнинг зўридан олибсиз. Нархи қанча бўлди? — Д. Эргашев янги ёғоч буюмларни аранг кўтариб, атрофга олазарак қараб кетаётган йигитга сўз қотди.

— Юз минг сўм.

— Сув текинга олибсиз, ука. Ўша, арзон-гаров буюм сотилаётган жойни

бизга ҳам кўрсатиб юборинг...

Ҳеч қанча вақт ўтмай уч марта судланиб ҳам тавба қилмаган бу “шоввоз” 150 минг сўмлик ёғоч буюмларни ўғрилаб кетаётгани маълум бўлди. Шунингдек, бозорда аравача тортиб юрган Бахтиёрнинг аравачасидан “йўқолган” 34500 сўмлик бир қути товук гўштини ўғрилаганлар ҳам ҳеч қанча ўтмай аниқланиб, ушланди. Маҳсулот эгасига қайтарилди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, посбонлар зиммаларига юклатилган бурчни виждонан бажаришяпти.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ЎЛКАМИЗДА

НАВРЎЗ КЕЗАР

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида Наврўз байрами зўр шод-хуррамлик билан нишонланди.

Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Юлбарисов йиғилганларни қутлуғ айём билан қутлади. Истеъфодаги ички хизмат полковниги М. Жўраев фахрийлар номидан сўз олиб, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун бошқарма раҳбариятига миннатдорчилик билдирди. Наврўз таомлари байрам дастурхонини безади. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров ва хушовоз хонанда Севинч Мўминоваларнинг дилрабо кўшиқлари даврага файз киритди.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

Яшариш фаслида кўчат экиб, боғ яратиш азалий анъаналардан бири. Шу боис юртимизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси жамоаси ҳам бу тадбирда фаол иштирок этапти. Ўқув юрти талабалари 500 туп ёнғоқ, 80 туп ўрик ниҳоллари, 80 туп смородина бутаси, 3 мингдан ортиқ атиргул, 400 туп сурхон воҳаси арчаси, 300 туп европа арчаси ва 80 туп тоғ арчаси кўчатлари ўтқозишди.

Н. ОДИЛОВ.

САВОБ ИШЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН

Ҳар йилгидек бу Наврўзда ҳам Чирчиқ ва Бўка шаҳарларидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида меҳмон бўлишди.

Дастурхонга турли нознеъматлар, Наврўзнинг тансиқ таомлари тортилди. Санъаткорлар болажонларга атаб куй-қўшиқлар ижро этишди. Болаларнинг ўзлари ҳам бўш келишмади. Улар курсант акаларига ўзлари билган шеърлар, кўшиқлардан айтиб беришди, рақсга тушишди.

Байрам тадбири сўнгида ҳажжи меҳмонларга, меҳрибонлик уйларида совға-саломлар топширилди. Бундай савоб ишлар бардавом бўлсин, бу борада бир-биримиздан ўртак олайлик, деб истак билдириб қоламан.

Б. ТОШЕВ.

Ё, алҳазар!

Ўша куни Алишер холасининг уйига кириб борганда ҳали куёш ботмаганди. Гулбахромнинг меҳмонлари аллақачон келишган экан. Алишер ҳам даврага қўшилиб, Зоҳида ва Марина билан яхши тилаклар айтиб, спиртли ичимлик ичди. Меҳмонлар кетгач ҳам холаси билан анча вақтгача суҳбатлашиб ўтириб, сўнги шишанинг бўшаб қолганини сезишмади. Вақт алламаҳал бўлганда холаси ухлаш учун ўз хонасига кириб кетди. Алишер эса холаваччаси Дилшоднинг хонасига кириб ётди. Лекин унинг ҳадеганда уйқуси келвермади. Ўзини туганмас хазинага кириб қолгандек ҳис этиб, катта бойликка эга бўлаётгандай ҳаяжонларди. Лекин қани ўша бойлик?

— Бойликлар холангнинг хонасида, сандиқда, кулоқларида, бармоқларида, — шивирларди қандай

йўқлигини кўриб, сандиққа ташланди. У ердан ҳам ҳеч вақо тополмагач, мебелларнинг бўлмача ва

бир неча бор уриб, кейин бўғизлади. Гулбахром қирқ беш, Дилшод ўн беш ёшида қотил қариндоши кўлида қурбон бўлди.

Бир оиланинг, яқин қариндошларининг бошига етган қотил эса бувисиникига бориб, одам ўлдирдим, деди бўзрайиб. Лекин кимни, нима учун

қолади”, — деб, уни ички ишлар бўлимига юборди.

Алишер қилмишларини хаспўшлаш, жазодан қутулиш ёхуд енгиллаштириш учун турли тўхматларни тўқиди. Жумладан, судда у: “холам билан уч йилдан бери “юраман”. Ўша куни ҳам ўзининг розилиги билан яқинлик қилганман”, — деди. Лекин судьянинг: “Яширин алоқангиз шу қадар мустаҳкам ва ишончли экан, унда мархуманинг ички кийимлари пичоқ билан кесилганлигини қандай изоҳлайсиз?” — деган саволига жавоб тополмай, мум тишлаб қолди.

Гувоҳлар кўргазмаларида мархуманинг покиза аёл эканлигини тасдиқлашди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди 1979 йил туғилган Кошеров Алишер Шарифбаевични олий жазога ҳукм этди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Нукусда шундай жирканч воқеа содир бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Орзулар қанотида учаётган, ҳали уйланмаган, гўр йигит Алишер уруғ-аймоғининг бошини эгиб, иснодга қолдирди.

ЁВУЗ НИЯТЛИ ҚОТИЛ

дир овоз. Алишер ёнига қаради. Дилшод пишиллаб ухларди. У шахд билан ўрнидан туриб, ошхонага ўтди. Болға билан пичоқни олиб, холаси ётган хонага кирди. У ухлаб ётган аёлнинг бошига кетма-кет болға билан туширди-да, кейин зўрлади. Сўнг холасининг кулоқлари ва бармоқларида зирак, узуклар

тортмаларини тит-питини чиқарди. Лоақал йўлкирага арзигулик пул тополмаган Алишернинг газаби қайнади. Холасининг инграиб, ўрнидан турмоқчи бўлаётганини кўриб, бўғизга пичоқ тортиди. Гувоҳ қолдирмаслик мақсадида нариги хонага ўтиб, ширин уйқуда ётган Дилшоднинг бошига ҳам болға билан

ўлдирганини айтмади. Бувиси насихат қилиб, ички ишлар бўлимига бор, дея қўлига такси пули берди.

Қилиб қўйган ишининг даҳшатини тушуниб етган Алишер “отамни кўриб кетай”, деб уйига келди. Юрак ютиб, опасига бор гапни айтди. Опаси “зўрға ётган отанг бу гапни эшитмасин, кўтара олмай, ўлиб

Қашқадарё вилояти ИИБ хабарлари

ҲАМОН “АҚЛ ТИШИ” ЧИҚМАГАН

Яккабоғ туманида яшовчи Р. Бегалининг бир этак набираси бор. Аммо ҳали “ақл тиши” чиқмаган қария ўтган йили ҳовлисида наша ўсимлиги етиштирди. Куз келганда эса ўсимликни ўриб, қуриштиб, оғилхонасига яшириб қўйди.

Бегали ота энди кўча пойлаб, мижоз излашга тушди. Ниҳоят бир кимсага 166 грамм кўкнори ва 134 грамм марихуанани 25 минг сўмга пуллаётганда милиция ходимлари қўйган тузоққа илинди. Унинг уйи кўздан кечирилганда салкам бир килога яқин марихуана олинди.

ШАРМ-ҲАЁНИНГ БАҲОСИ

Қўшмачиликни касб қилиб олган пенсионер онахон М. Ш. ёши етмишдан ошганда оғир гуноҳга қўл урди. У ўз хонадониди И. Ш. ва Т. А. лар ишрат қилиши учун 900 сўм эвазига шароит яратиб берди. Иймонини пулга алиштирган М. Ш. қўлга тушгач, қилган ишидан изза бўлди. Бир этак неварою чеварага буви бўлиш ўрнига нопок йўлни танлаган аёл Нишон тумани ИИБда бош эгиб қолди.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ.

РЕЖАЛАРИ ХОМ БЎЛГАН ЭМИШ

Ҳар бири муқаддам икки-уч бор судланган уч “ошна” ўзаро тил бириктириб, жинорий гуруҳ тузишди...

... Шу йил 4 январь тунги соат ўнлар. Бухоро шаҳри Чўлпон кўчасидаги уйлардан бирининг дарвозаси бемаврид тақиллади. Уй соҳиби дарвозани очдию, тили калимага келмай зўрға бир нималар деб гўлдиради. Чунки меҳмонлар юзларига қора ниқоб тақиб олишган эди.

— Ўчир овозингни! Бўлмаса, ҳозир биқинингдан дарча очиб қўяман, — деди чақирилмаган меҳмонлардан бири унинг бошига пулат соққа билан уриб.

Кўнгли безовталаниб ҳовлига чиққан уй бекаси эрининг аҳволини, бемаҳал таширф буюрганларнинг афт-ангорини кўриб қўрқиб кетди. Аммо дод солишга улгурмади, кимнингдир темир панжаси шўрлик аёлнинг оғзини бекитди. Онасига эргашиб чиққан Дилноза ҳам қора ниқоблилар қуршовида қолди. Аммо уй ичида ўтирган Ферузанинг гап нимадалигига дарҳол фаҳми етди. У кўча деразани синдириб, кўни-қўшилари эрданга чақирди.

Воқеа жойидан қочиб қолган босқинчилар узоққа боришолмади.

— Улар тергов пайти бир-бири билан гижиллашиб қолишди. Нима эмиш — режа хом бўлган эмиш. Бирови бошқасига “операция”ни ярим кечаси амалга ошириш керак эди. Ўшанда қўлга тушмасдик дея таъна қилди, — дейди шаҳарнинг Ф. Хўжаев тумани ИИБ катта терговчиси, милиция майори Собир Ҳамроев.

О. РОПИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Марғилон шаҳрида яшайдиган М. А. исмли шахс ноқонуний равишда уйда қирқма милтиқ сақлаб келган. У қутилмаганда бу ўқ отар қуролни сотиш учун харидор излаб қолди. Шундоқ ҳам ноқонуний тарзда сақланаётган 12 калибрли қирқма милтиқни бир шахсга пуллаётганда милиция ходимлари — Қ. Сафаров ва С. Мўминовлар томонидан қўлга олинди. Қизиги шундаки, харидордан пулни унинг хотини санаб олаётганди.

Фарғона шаҳрида яшовчи опа-сингиллар ҳеч тап тортмай наша ва героин савдоси билан шуғулланишга киришишди. Шу йил март ойи ўрталарида вилоят ички ишлар бошқармасининг Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан Гулноза Аъзамова донаси 1,5 минг сўм турадиган 2 та халтачадаги марихуанани пуллаётганда қўлга олинди. Кейин уйдаги кўрпа тахидан 41 та, шкафта турган туфли қутисидан эса 7 та ана шундай оғулар жойланган халтачаларни олиб берди.

Унинг синглиси Гулнора Акбарованинг ҳам сирини очилди. У ялтироқ қоғозга ўралган героинни сумкасига жойлаб, харидор кутаётганда қўлга тушди.

М. КИМСАНБОВЕВ.

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

Сил — кўп тарқалган, сурункали ўтадиган, микроблар одам организмига тушиб кўпайишидан пайдо бўладиган юқумли касалликдир. Хасталикни кўзгатувчилар дастлаб ўпкада жойлашади.

Касалликнинг тарқалишида асосий омил бемордан нафас йўллари орқали ажралаётган сил таёқчалари ва балғам таркибидаги таёқчалар ҳисобланади. Сил таёқчалари бинополи, гулқоғозлар, шунингдек, гилам ва бошқа жиҳозлар чанглариди жойлашади. Супурганда, гиламларни қоққанда чанг ҳавога кўтарилиб, таркибидаги сил таёқчалари нафас йўлларида тушиб қолади ва организмнинг хасталанишига олиб келади. Йўталганда, аксирганда, қаттиқ гапирганда ва

кулганда сил таёқчалари бемор организмдан ажралиб чиқиб, 1,5 — 2 метргача ён атрофга тарқалади.

Соғ одам бемор билан бир идишдан овқат еса, битта сочиқ ва жамоширлардан фойдаланса, ўпишиб кўришса касалликни юқтириши мумкин. Сил таёқчалари нафас йўллари шиллиқ қавати, сийдик йўллари, кўзнинг шиллиқ қавати ва тери қопламлари орқали организмга ўтиши кузатилган. Касаллик манбаи бўлиб бемор одам, уй ҳайвонларидан сизир

ҳамда қушлар саналади. Эпидемиологик вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, бемордан ажралиб чиқадиган балғам сил таёқчаларининг соғлом одамга юқишида муҳим омил ҳисобланади. Сил таёқчалари йиллар давомида зарарли саналади. Улар куёш нури таъсирида ва хлорли аралашмаларда тезда ҳалок бўлади.

Сил касаллигининг аломатлари хилма-хилдир. Бемор дастлаб силла қуриши, толиқиш, уйқусизликдан шикоят қилади. Кўпинча иштаҳа сусаяди, одам озади, баъзан иситма чиқади, кўп терлайди. Бу белгилар силгагина хос бўлмай, бошқа касалликларда ҳам куза-

тилиши мумкин Шу боис бемор, албатта шифокорга мурожаат қилиши лозим.

Ўпка сили ўз вақтида аниқланиб, ўпкада ўзгаришлар кўп бўлмаган вақтда даволанса бемор тез соғайиб кетади. Ўпкада бирмунча кўпроқ ўзгаришлар топилиши, ўпка тўқимасининг қисман емирилиши касаллик кеч аниқланишига олиб келади. Бундай беморларни муолажа қилиш узоққа чўзилади, аммо уларнинг аксарияти астойдил даволанганда батамом тузалиб кетадилар.

Айрим ҳолларда ўпка силининг кечикиб аниқланишига касалликнинг ривожланиши ва кечиш ху-

сусиятлари сабаб бўлади. Зеро, организмда жиддий ўзгаришлар рўй берса-да, буларни киши етарли даражада ҳис этмайди. Ўпкада ҳали кўпроқ тарқалмаган, кичик сил ўзгаришлари содир бўлган дастлабки босқичда ана шундай ҳолат кўпроқ учраб туради. Меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этиш, кун тартибига риоя қилиш, сифатли овқатланиш, жисмоний чиниқиш, ортиқча зўриқмаслик, соғ ҳавода кўпроқ бўлиш организмни чиниқтиради, унинг ҳар қандай касаллик, жумладан силга чидамлигини оширади.

Д. ТўРАНАЗАРОВ,
тиббий хизмат полковниги.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Марҳамат тумани ички ишлар бўлими томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганликлари учун қидирилмоқда:



Ойбек Саиджонович ХУСАНОВ. 1975 йилда туғилган. Марҳамат тумани Т. Мирзаев жамоа хўжалигида яшаган.



Абдуманноб МИРЗАФАНИЕВ. 1940 йилда туғилган. Марҳамат тумани “Истиклол” ширкатлар уюшмасида яшаган.



Абдумухтор Абдураҳмонович МИРЗАЖОНОВ. 1978 йилда туғилган. Т. Мирзаев жамоа хўжалиги Фурқат кўчасида яшаган.



Тоир ИСАКОВ. 1955 йилда туғилган. Марҳамат тумани М. Тожибоев жамоа хўжалиги М. Жумабоев кўчасида яшаган.



Музаффар Саиджонович ТОШИМАТОВ. 1978 йилда туғилган. Марҳамат тумани Т. Мирзаев жамоа хўжалиги Рудакий кўчаси 2-уйда яшаган.



Мирзохид Мирзахўжаевич ШОИЖОНОВ. 1975 йилда туғилган. Марҳамат тумани Бобохуросон қишлоғида яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Жиноятга

жазо муқаррар

ЎЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Гиёҳвандлик қандай оқибатларга олиб келиши ҳаммага аён. Бу "кўчага" кирганлар одамлар оёйишталигини бузади. Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда қанча саъй-ҳаракатлар қилишяпти, матбуот бонг уриб турибди, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай қанчадан-қанча бангилар касалхонада, гиёҳфурушлар эса панжара ортида ётибди. Қорадорига ишониб мамлакатини вайрон қилган афгон бангифурушларининг ҳоли не кечди? Айрим кимсалар худди "салом алайкум" деган ўтга ўхшайди: бир ёқдан "юлиб" ташланса, бошқа томондан чиқиб келаверади.

қандла Эштемир А. Нечаевни тоғаси Нурмамат Шоймардоновниқига олиб борди.

Шундан сўнг тоға-жиян Ургутга қараб йўл олишди. У ерда тоғанинг божаси Соли Ҳамроев истиқомат қиларди. Божалар ҳола-аҳвол сўрашди, еб-ичишди. Охири мақсадга кўчил-

ди. Соли ҳам пул деса ўзини томдан ташлайдиганлардан эди, ишга киришиб кетди. Тез орада Иззатилло Қаюмов ҳамда терговда кимлигини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Аҳмад" ва "Қурбон"лар Тожикистондан героин келтириш бўйича жиноий тил бириктирилди.

Тажрибалари зўр шеклилли, иш осонгина битди, яъни ҳаш-паш дегунча тўрт килограмм ажал уруғини топиб келишди ярамастар. Кўп ўтмай Соли Ҳамроев ва тожикистонлик Иззатилло Қаюмов Нурмаматникида пайдо бўлди.

— Мен улар билан гаплашганимда И. Қаюмов тўрт кило героин топгани, килосини 3500 доллардан сотмоқчилигини айтди, — дейди А. Нечаев. — Аввал унинг ярмини пулламоқчи, қуруғи қўлга теккач қолганини Тошкентга юбормоқчи экан. Шундан сўнг икковлари кетишди.

Иззатилло эрталаб қайтиб келди ва қўлидаги ўрамни кўрсатиб, икки кило дори эканини айтди. Эштемир дорини олиб Тошкентга жўнайдиған бўлди, А. Нечаев эса гаров-

да ушлаб қолинди. Аммо у "Салават" билан телефонда гаплашиб турди. "Қочиб кета оласанми?" деб сўради "Салават". Александр иложи йўқлигини айтди. Эштемирнинг ушланганини ҳам эшитди.

Эштемир Пардаев қўлга тушгач, Самарқанд шаҳар ИИБга хабар юборилди ва қолган дорифурушлар ҳам инди таппа босилди. Операция мана шундай муваффақиятли ўтди. Жиноятчилар доллар ўрнига қаттиқ жазога эришдилар. Бу жиноий гуруҳнинг кирдикорларини фош этиб, айб эълон қилишда Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси бўлинма терговчиси, милиция капитани А. Фахриддиновнинг кўп йиллик тажрибаси қўл келди.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ШАВКАТЖОННИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Кўқон шаҳар ИИБ томонидан 1993 йилда туғилган Шавкатжон Ақромович АЗИМОВ қидирилмоқда. Кўқон шаҳар Замахшарий кўчаси 12-уйда яшаган. 2002 йил 8 март куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 120-125 см, сочи, кўзи, қоши қора, қоши ёйсимон, ўртача гавдали.

Кийимлари: эғнида оч зангор рангли жемпер, оқ рангли, от расми бор футболболка, оқ майка, тўқ кўк рангли, ўнг томони тизза қисмида чўнтаги бор спорт шими, бошида тепа қисми тугмали шапка, оёғида қора туфли бўлган.

Шавкатжонни кўрганлар ёки қардаллигини билганлар яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Викторнинг боши хум, тарс ёрилай деяпти. Кеча улфатчиликда бор пулини сарфлаб бўлди. Бир илнжи, хотини болаларнинг нафақа пулини олиб келган, шунга қўлга киритиш. У ўғри мушукдай пайт пойлаётганда кўшни бола чиқиб:

— Нада хола, сизни ойим қақриятдилар, — деб қолди.

Хотини кетди.

Виктор сервантни очган эди қизи:

— Дада, пулга тегмас экансиз, ойим Юрага этикча олиб берарканлар, оёғидаги тешилиб, сув ўтиб кетибди, — деди.

Виктор уни жеркиб:

— Бор, ишингни қил, онанг эскисини яматиб бера қолсин, — дея пулни олиб, кўчага отилди.

Дўкон олдида уни шумшайиб Эдик билан Саша кутиб турарди. Викторни кўриб сал жонлангандай бўлишди.

— Болаларнинг пулидан ўмардим, — деди Виктор ишшайиб.

— Отасан, ҳаққинг бор, — деди Саша унинг елкасига қоқиб.

Шишадешлар аввалига яно ичишди. Камлик қилди шекилли, Эдик соатини гаровга қўйиб, дўкончидан ароқ ундирди. Уччови фирт маст бўлди.

— Чирчиқ бўйига борамиз, дала ҳовлида танишим яшайди, қирғовул отиб, кабобхўрлик қиламиз, — деди Эдик.

Улар дарёдан ўтиб, Янгибозор кўрғонининг чеккароқ кўчасидан боришарди, велосипедда келатган ўсмир учради.

— Ҳой бола, тўхта, — деди Виктор.

— Нима дейсиз амаки, — дея ўсмир уларга юзланганда Саша уни бир уриб ағдарди. Ўсмир йўл четига юз тубан йиқилди. Эдик уни бир-икки тепди. Бола ўрнидан туриб, йиғлаганча қочди.

Улфатлар қилган ишларидан ҳузурланиб, ўзларини шер ҳис қилиб, нари кетдилар. Битта велосипед уч кишига камлик қилиб турганди, бир йигит велосипедда ўтиб қолди.

Эдик унинг йўлини тўсди.

— Тўхта, сенда ишим бор, — деди ўшқириб.

УЧ ЗЎРАВОННИНГ ҚАБИҲ ИШЛАРИ

Йўловчи тўхташи билан Саша унга хезланиб келиб, бир урди. Йигит вазиятни тушуниб, велосипеддан тушди-да, улар билан олиша кетди. Анча чаққон, абжир экан, уччовини роса дўппослаб, тепкилаб ташлади. Кайфдан чайқалиб зўрга келатган уч "шер" йўл четидан чўзилиб қолди.

Бироздан кейин ўзига келган зўравонлар йўлда давом этишди. Даладан мол етаклаб келатган аёлни кўриб Сашанинг кўзи ўйнаб шерикларига:

— Ана кабоб, ёнида нозанин ҳам бор. Дала ҳовлига олиб борсак роса уч кун майшат бўлади, — деди.

Уст-боши лой, сочлари тўзиб, кайфдан кўзлари сузилиб келатган йигитларнинг яқинлашаётганини кўрган аёл молини ҳам ташлаб қочди. Эдик шуни-си ҳам бўлади дегандек сизирни етаклаб олди. Чирчиқ дарёси бўйига яқинлашишганда орқадан келиб тўхтаган трактордан иккита йигит тушди.

— Сен зўравонларми, сизирни олиб қўйган, —

дея аввал бири, кейин иккинчиси уларга ташланди. Озгина муштлашувдан кейин уч улфатга жон ширинлик қилиб, қочиб қолишди.

— Бу нима кўргулик, тузукроқ кайф қилиб дам ололмасак, — деди Виктор ёрилган чаккасидан оқаётган қонни артаркан.

— Қани энди милтиқ бўлса-ю, ҳам масини бир четдан отиб ташласанг, — деди Эдик тепкидан кўкариб кетган оёғини силаб.

Шу пайт милтиқ отилди. Уччовлон ялт этиб ўқ овози келган томонга қаради.

— Овчи бўлса керак, кўрқитиб юбормайлик, уст бошимизни тартибга келтириб олайлик, кейин бориб милтиқни қўлга киритамиз, — деди Саша.

Улар ўқ отилган томонга боришарди, қўлида ёввойи ўрдак кўтарган ўрта ёшлардаги киши қамишлар орасидан чиқиб қолди.

— Овингиз бароридан келсин, — деди Эдик у билан эски кадрдонлардек сўрашар экан.

— Бекорчиликда эрмакда, ов қилишни яхши кўраман, — деди овчи табассум билан. Яна нимадир демоқчи эди, йигитлар унга ташланишди. Бири милтиққа, иккинчиси ўрдакка ёпиш-

ди. Яна бири овчининг кўкрагига мушт туширди.

— Йигитлар, мен сизларга нима ёмонлик қилдим, нега урасизлар, — деди овчи.

— Қўлингиздаги соатни бер, камзулни еч, яна бир сўз айтсанг, отаман, — деди Саша милтиқни ўқталиб, — яна ўқлар борми?

Улар бир уйни "тозалаб", кетишга чоғланишганда хонадон соҳиби келиб қолди.

— Жонингдан умидинг бўлса овозингни чиқарма, — деди Эдик милтиқни ўқталиб. — Биз тезда кетамиз.

Уй эгаси тилини тишлаганча қолди. Ўғрилар олган нарсаларини кўтариб, го-йиб бўлишди.

— Бу буюмларни Чирчиқда сотамиз, анча пул бўлади, — деди Виктор.

Дарё бўйида бир оз дам олишгач, катта қувур устидан эмаклаб, шаҳар томонга ўтишди...

— Овчи бизга бу ҳақда сал кечроқ хабар берди, — дейди Юқоричирчиқ тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Бахтиёр Тошметов. — Тергов-тезкор гуруҳи ишга киришганда зўравонлар аллақачон Чирчиқ томонга ўтиб улгурганди. Уларни қўрғондагилар танишмасди. Овчи, кейин велосипедини олдирган ўсмирнинг таърифлашига асосланиб, фоторобот тайёрладик. Дала ҳовлилардан чеккароқда яшайдиган хонадон эгаси суратлардан уларни таниди, воқеани айтиб берди. Ходимларимиз тезкорлик билан ҳаракат қилишарди, чунки зўравонларнинг қўлидаги ов милтиқда 10 та патрон бор эди.

... Уч йигит Чирчиқ шаҳри чеккасидаги маҳаллага қош қорайганда кириб боришди. У ерда Сашанинг ўйнаши яшарди. Оксана йигитларни кўриб, севиниб кетди. Воқеаларни эшитиб:

— Милиция қидириши мумкин, ҳеч қасқа чиқманглар, — дея маслаҳат берди.

Эдик қопдаги нарсаларни аёлга кўрсатиб:

— Бозорга олиб борасиз, пули "арра", бизга улфатчиликка етса бўлди, — деди. Эртасига Оксана ўғрилиқ молларнинг бир қисмини сотиб, бозор қилиб келди.

Базми-жамшид бошланди. Оксананинг уйи маҳалланинг энг чеккасида бўлгани учун кўздан нарироқда эди.

... Тергов-тезкор гуруҳ аъзолари зўравонлар изидан келиб, Чирчиқ шаҳрига ўтишди. Суриштирув-қидирув ишларига профилактика инспектори, маҳалла посбонлари жалб этилди.

Туман ИИБ жиноятқидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Руслан Пулатов икки ходим билан шаҳар четидидаги маҳаллага борди. Бир кампир бир кун аввал учта бегона йигит юрганини кўрган, лекин қасқа кетганлигини аниқ айтолмади. Тажрибали изкувар-зўравон шахслар шу ерда эканлигига амин бўлди. Энди хонадонларни текшириб чиқиш зарур эди. Вақт ўтиб борарди. Номаълум шахслардан ҳар қандай номаъкулчиликни кутиш мумкин.

... Ярим тунда кўни-кўшнилари ўқ овозидан уйғониб кетишди. Оксананинг уйда тўс-тўполон бошланганди. Яхшигина кайфи ошган Саша мудраб қолади. Виктор билан Эдик Оксананинг ётоқхонасида гал таллашиб уришадилар. Виктор шишадешига кучи етмай, пичоқни ишга солади. Бикинидан яраланган Эдик милтиққа ёпишади. Тўс-тўполонда уйғониб кетган Саша ҳамшишаларининг ҳолатини кўриб эсанкираб қолади. Иккови яланғоч, нарироқда Оксана қалтираб турарди. Эдикнинг қўлидаги милтиқни тортиб олмоқчи бўлганда тепки босилиб, отилиб кетади, лекин беизён бўлади. Бу вақтда тезкор гуруҳ ўқ овозини эшитиб этиб келади.

Шундай қилиб, чирчиқлик Ю. Саша, И. Виктор, С. Эдиклардан иборат уч шишадеш "ботирлар" саргузашти ниҳоясига етди.

С. ШАМСИДДИНОВ.
Тошкент вилояти.



МАЪНАВИЙ, ЖАНГОВАР ВА РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

(Давоми. Бош газетанинг ўтган сонларида)

Машғулоти раҳбари кариш сўзида бугунги кунда Куролли Кучларимиз олдида масъулиятли вазифа — минг йиллар давомида ота-боболаримиз орзу қилган энг улугъ неъмат — Ватан мустақиллигини халқаро терроризм ва диний экстремизмдан ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш вазифаси турганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтиши лозим.

1999 — 2000 йилдаги Қирғизистон Республикаси, Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида бўлиб ўтган жанговар ҳаракатлар ҳозирги замон жаъи олдингиларидан тубдан фарқ қилишини, у шахсий таркибдан доимо ўз устида ишлашни, жисмоний, руҳий ва касбий жиҳатдан доимий тайёргарликни талаб этишини кўрсатди. Шу боис ИИБ Ички қўшинларида ҳарбий хизматчиларда энг аввало Ватан ҳимоячиси сифатларини шакллантиришга эътибор қаратилади.

Ҳозирги замон жанги шахсий таркибнинг маънавий-жанговар ва руҳий сифатларини оширишни талаб этади.

Бундай шароитларда шахсий таркибнинг моҳирона ва ташаббускорлик билан ҳаракат қилишга тайёрлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун жангчиларда юксак жанговар фаоллик, сардор буйруғини сўзсиз бажариш ҳамда душманни янчиб ташлашга интилиш руҳини шакллантириш жуда муҳимдир.

Жанговар ҳаракатларнинг кенг қулоч ёйиши, тоғ сўқмоқларида юриш, оғир юкларни ташиш, кундузги жазираларга, тунги совуққа ва шу каби бошқа қийинчиликларга бардош бериш шахсий таркибдан чидам ва саботни талаб этади.

Жанговар ҳаракатларнинг шиддатли кечиши, шароитнинг кескин ўзгаришлари ҳар бир дақиқа ва сонияда вазиятнинг аниқ ҳисобга олинишини талаб қилади. Шу ўринда жангчилар ва командирларнинг тафаккур доираси, ташкилотчилик қобилияти ва билим даражаси катта аҳамиятга эга.

Жангчиларнинг маънавий-жанговар ва руҳий сифатларига бўлган талабнинг ўсиши замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг хусусиятлари, жангда улардан фойдаланишнинг жиҳатларини билишни ҳам тақозо этади. Техникаларни жанговар тарзда қўллаш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнида шахсий таркиб ўз руҳий ва жисмоний имкониятлари доирасида, вақт ва аҳборотнинг танқислиги шароитида мумкин қадар тез ва аниқ ҳаракат қилиши даркор. Буларнинг барчаси жангчилардан интизомлик, касб сирларини пухта эгаллаш, эҳтиёткорлик, шароитнинг ўзгаришига тезда кўникиш ҳамда тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини талаб қилади.

Жанговар вазифани бажаришдаги муваффақият экипажлар ва расчётларнинг бирдамлигига, уларнинг ҳар бир аъзоси ўз мажбуриятларини билиши

ва аниқ бажаришига, унинг сафдошини алмаштира олиш, унга ёрдамга келиш қобилиятига боғлиқдир. Ҳаракатлардаги ноаниқлик, ақалли биттагина жанговар расчёт ёки экипажнинг жанг шароитида довдираб қолиши жанговар вазифанинг бажарилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Душманни сўқмоқлар оша, ёрлар ва қоялар орасидан қидиришга тўғри келади. Жангчининг ўзи учун ичимлик суви захирасини ғамлаб олмаслиги ва сув қидириб жанговар гуруҳдан ажралиб қолиши гуруҳнинг жанговарлик қобилиятининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Ички қўшинлар барча ҳарбий хизматчилари курашнинг турли воситаларига қарши тура олишлари, барқарор руҳий ҳолатга эга бўлишлари, замонавий қуролларнинг таъсир этувчи омиллари ҳаракатларини энга билишлари керак.

Ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларига хос маънавий-жанговар сифатлар куйидагилардан иборат:

мардлик — инсоннинг чидамлилик, уздабуронлик, қатъиятлилик қобилияти;

жасорат — дадил қарорлар қабул қилиш ва уларни шижоат билан бажариш қобилияти. Жасорат жангнинг оғир шароитларини дадил, фидокорона, кескин ҳаракатлар билан енгиб ўтишда намоён бўлади;

қахрамонлик — мардликнинг юксак кўриниши бўлиб, жангчининг Ватан душманлари билан қурол-

ли курашда юксак жанговар фаоллик ва маънавий масъулият тарзида намоён бўлади;

матонат — жангчининг маънавий ва жисмоний чидамлигининг кўри-нишларидан биридир. У одатда қийинчиликлар билан узоқ курашиш мобайнида, кўйилган вазифаларни бажаришдаги қатъиятлилик ва мақсадга йўналтирилган тиришқоқлик (сабот, қунт, матонат) тарзида юзага чиқади;

дадиллик — бу принципларни сақлаб қолишдаги ишонч, буйруқни, кўйилган вазифани, топширилган ишни бажариш учун юксак масъулиятни ҳис қилишда, ишчанликда намоён бўлади;

мустиқиллик — жангчининг ўз ишини чуқур билишига, ўз кучи ва қобилиятига ишонишига асосланган сифатидир;

ташаббус — кўйилган вазифа ва сардор буйруғини бажаришда ижод, ташаббус, маҳорат кўрсатиш қобилияти ва уздабуронликдир;

жанговар фаоллик — жанговар вазифаларни бажаришга бор маънавий ва жисмоний куч-қудратни сафарбар этишда, қурол ва ҳарбий техникадан имкон қадар самарали фойдаланишда намоён бўлади;

интизомлилик — Ҳарбий қасамд, Ҳарбий Низомлар талабларини, буйруқларни жангчилар томонидан онгли равишда бажарилиши тушуналади.

Маънавий-жанговар сифатларга урғу берар экан, гуруҳ раҳбари уни Ўзбекистон Куролли Кучлари жангчиларининг хал-

қаро террорчилар ва диний-экстремистларга қарши жанговар ҳаракатларда кўрсатган матонатларига алоҳида тўхталиб ўтиши, ўз бўлинмаларида аскарлар томонидан ҳарбий бурчни бажаришда мардлик, жасорат, қахрамонлик, матонат, дадиллик, ташаббус, фаоллик намуналарини кўрсатаётган аскарлар ҳақида гапириши, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Жанговар ўқув ва тарбиявий ишлар давомида сезиш, эътибор, хотира, тасаввур этиш, фикрлаш, нутқ, ҳис қилиш, ирода ва шу каби руҳий сифатлар ҳам такомиллашади.

Жангчиларнинг руҳий сифатларига моҳирона таъсир қилиш натижасида уларда ғалабага ишонч, руҳий қатъиятлилик ва жисмоний чидамлилик, миш-мишларга, кўрқинчга, парижонхотирликка қарши туриш қобилияти юзага келади.

Машғулоти сўнгида гуруҳ раҳбари ўзининг маънавий-жанговар ва руҳий сифатларини қатъий шакллантириш ва такомиллаштириш ҳар бир аскар, сержант ва шартнома асосида хизмат қилувчи ходимнинг, офицернинг бурчи эканини таъкидлайди. Буларсиз тинчлик даврида Ички қўшинлар бўлинмалари ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш, ҳозирги замон жангида ғалабага эришиш мушкул эканлигини кўрсатиб ўтади.

Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.

“01” ХАБАРЛАРИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудларида содир бўлган ёнғинларда етказилган моддий зарар миқдори бир неча юз минг сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Юзага келган ушбу ёнғинлар 15 нафар фуқаронинг турли даражада куйиш, тан жароҳати олишига сабаб бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёнғинлар сони 190 тага камайди.

Хўжайли туманида жойлашган чойхона эгаси хавфсизлик чораларини кўрмаганлиги сабабли бу ерда ёнғин чиқди. Офат ўт ўчирувчилар томонидан тезда бартараф этилди. Ёнғин бинодаги электр симларининг қисқа туташувидан чиққани аниқланди.

Самарқанд туманида ҳам кўнгилсиз воқеа рўй берди. Фуқаро Б. Гатеев иситиш печини ёқиш вақтида газ жўмрагини бураб, гугурт қидириб кетади, келгунича хонада газ йиғилиб қолади ва гугуртни ёққанда чақнаб кетади. Натижада уй эгаси алангадан тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Ғиждувон тумани Толиб-овлар хонадонидан ўрнатил-

ган иситиш печига газ қувур орқали эмас, балки ёнғин хавфсизлигига зид равишда резина ичак орқали уланган эди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бу масала бўйича бир неча бор оғоҳлантиришган бўлса-да, уй эгалари лоқайдлик қилишган. Натижада ичак орқали уланган жойларидан газ сизиб чиқиб, самарқандлик Б. Гатеев хонадонидан рўй берган ҳолат такрорланади.

Электр симларнинг қисқа туташувидан ёнғин келиб чиқиб, бир

вақт ичида иккита уйнинг ёнишига олиб келди. Бувайда туманида яшовчи Ў. Уриновнинг хонадонидан бошланган ёнғин уйлар бир-бирига зич жойлашгани учун аланга қўшни уйнинг томига ўтиб кетади.

Бундай ноҳуш ҳодисаларнинг рўй беришига асосан ўзимиз сабабчи бўлаемиз. Шундай экан доимо хушёр бўлиб, ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла риоя қилсак ёнғин туфайли келиб чиқадиган фожиалар камаяди.

Д. ҚАМБАРОВ,
ички хизмат катта лейтенанти.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ИИББ тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги
Хусан ҲАКИМОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ёйскент тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани
Маҳмуд АБДУЛЛАЕВнинг хизмат пайтида фожиали ҳалок бўлганини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби, фахрийлар ва мураббийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги.
Асрор ҲАМРОКУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қирғули тумани ИИБ жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси тезкор вакили, милиция капитани
Исроилжон АБДУЛЛАЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib

B. AZIMOV

Navbatchi:

S. SHAMSIDDINOV

Musahhihlar:

M. AKRAMOVA

G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:

urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.

ABN AMRO Bank MB O'zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499

· Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart

· Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

· Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma **Г — 346**. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji **45.268** nusxa.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.